# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 85

*Чиноз шахри* *«27» _Сентябр 2022 йил*

Ушбу пудрат шартномаси *«Буюртмачи»* деб аталувчи Чиноз тумани Мактабгача таълим бўлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари З.Махмудова бир томондан ва *«Пудратчи»* деб аталувчи " TRIO UNIVERSAL " MCHJ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари М.Ашрапхонов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. *«Пудратчи»* мазкур шартнома шартларига мувофиқ *«Буюртмачи»*нинг Талабига асосан тасдиқланган нуқсон далолатномаси ва лойиха смета хужжатларига асосан ишларини бажариб беради.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар *«Буюртмачи»* томонидан тасдикланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда ***115 000 000 (Бир юз ўн беш миллион)*** сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида *«Буюртмачи»* бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизиини яъни ***34500000 (Ўттиз тўрт миллион беш юз минг )*** сўмни, тегишли бюджетдан молиялаштирилган маблағлар доирасида, олдиндан аванс тариқасида *«Пудратчи»*нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 10 фоизи, яъни ***11 500 000 (Ўн бир миллион беш юз минг)*** сўмини *«Пудратчи»* томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. *«Буюртмачи»* охирги тўловни *«Пудратчи»* томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар *«Буюртмачи»* томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. *«Пудратчи»*нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни *«Буюртмачи»*дан далолатномага асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 10 кун муддат ичида ишларни

бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 20 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ***«Буюртмачи»***га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. ***«Пудратчи»***нинг хуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. ***«Буюртмачи»***нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

3.4. ***«Буюртмачи»***нинг хуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш коммиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат қилиш;

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса "Буюртмачи" тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида хақ тўланмаса, хар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕҚВИЗИТЛАРИ

**«ПУДРАТЧИ»**

“ TRIO UNIVERSAL ” MCHJ
Чиноз тумани Улугбек 29-уй
х/р 20208000500291670001
Чиноз тумани Хамкорбанк филияли
МФО 00960
ИНН 302846923

Рахбар: ____________ М.Ашрапхонов

**«БУЮРТМАЧИ»**

Чиноз тумани МТБ
Чинз тумани Самарқанд кўчаси
х/р 100022860272567091100251024
ИНН207267124
Чиноз тумани Ғазначилик бўлинмаси
Марказий банк Тошкент ш бош
бошқармаси МФО 00014 ИНН201122919
х/р 23402000300100001010

Рахбар: ____________ З.Махмудова

Хукукшунос хулосаси: ____________________

-sonli shartnomaga ILOVA

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining

ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekistonRespublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablarigazid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (davlatorgani yoki tashkilotning nomi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda porabergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir yetishi yoki sodir yetmasligishartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:pora berishni taklif qilish yoki va'da berish; tovlamachilik qilish;pora sifatida pul to'lash;bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir yetishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:"O'zbekiston Respsublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi" korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni; 1253 Telegram-kanali ("Call markaz"); (davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki yelektron pochta.

TOMONLAR:

| | |
|---|---|
| Bajaruvchi: | (davlat organi yoki takshlotining lavozimi) |
| (F.I.O.) ______ | (F.I.O.) ______ |
| (imzo) | (imzo) |

Ашрапхонов М.

YuRIDIK AHAMIYaTGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA

HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Chinoz tumani Maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan “TRIO UNIVERSAL ” MChJ o‘rtasida 13 sonli DMTTda joriy ta’mirlash to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Chinoz tumani Maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan ishlab chiqilgan va huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 2022 yil 20 sentyabr kuni elektron tizimga kiritilgan.

Chinoz tumani Maktabgacha ta’lim bo‘limi bilan “TRIO UNIVERSAL ” MChJ o‘rtasida tuzilayotgan, umumiy bahosi 115 000 000 ( bir yuz o‘n besh million) so‘m miqdoridagi shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi.

Tomonlar o‘rtasida tuzilayotgan mazkur shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy - huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi Qonuni va boshqa tegishli qonun hujjatlari talablariga mos ravishda yozilgan.

Taraflardan biri shartnoma majburiyatlarini bajarmagan taqdirda tomonlarga javobgarlik choralari qo‘llanilishi, kelishmovchiliklar paydo bo‘lgan taqdirda o‘zaro hal qilish yoki iqtisodiy sudida hal qilish tartibi, barcha qo‘shimcha va o‘zgartirishlar yozma ravishda ikki tomonlama imzolanib tasdiqlangan holda tuzilishi nazarda tutilgan.

Shartnoma loyihasida taraflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi va boshqa kelishilgan barcha shartlar qonun hujjatlari talablariga mos keladi va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **A.I.Teshaboev**

20.09.2022 yil

**147459 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана: 26.19.2022 16:19

Комиссия раиси: MAXMUDOVA ZUXRA MIRJAMOLOVNA

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 147459 на приобретение Чиноз туман МТБ тасарруфидаги 13- сонли ДМТТда жорий таьмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 15.09.2022

Время рассмотрения 15.09.2022 10:32

Конкурсная комиссия Чиноз туман Мактабгача таълим булими (Распорядитель), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAXMUDOVA ZUXRA MIRJAMOLOVNA | рахбар | Чиноз туман МТБ |
| **Секретарь комиссии** | ZUKUROVA CHULPONOY FAYZULLAYEVNA | Специалист по кадром | Чиноз туман МТБ |
| **Член комиссии** | TASHMATOV SHAKIR DUSMATOVICH | МЕХ булим бошлиги | Чиноз МТБ |
| **Член комиссии** | AGZAMOV AKMALXOʻJA BAXRAMOVICH | МЕХ були ходими | Чиноз МТБ |
| **Член комиссии** | DJURAYEV UTKIR GANIYEVICH | Таъминотчи | Чиноз туман МТБ |
| **Член комиссии** | MUSTAFAYEVA SURAYYO NARBEKOVNA | Бош хисобчи уринбосари | Чиноз туман МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.09.2022 года № лота 147459.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Чиноз туман МТБ тасарруфидаги 13- сонли ДМТТда жорий таьмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 117 706 369.00 |
| Стартовая сумма | 117 706 369.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловдаги объектга ўхшаш охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"RAVON HAYOT** | 20 | 117700000 | 18 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | | | | | | |
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 20 | 115000000 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №2 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслигини тасдикловчи маьлумотнома.Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги,инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.Танлов предмети кийматининг камида 25% миқдорида айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | 20 | 117700000 | 17 | Экспертная | | |
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 20 | 115000000 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №3 Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси хакида тулик маьлумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эгалиги.Танлов иштирокчиси тўғрисида тўлик маьлумот (гувохнома, устав, таъсисчи ва рахбарнинг паспорт ва инн хужжатидан нусха) Қурилиш –пудратчи ташкилотнинг рейтинг кўрсатгичи

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | 20 | 117700000 | 17 | Экспертная | | |
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 20 | 115000000 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №4 Тегишли техника ва моддий ресурслар руйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Тегишли техника ва моддий ресурслар руйхати (ижарада бўлса томонлар билан тузилган ижара шартномаси).ишчи ходимларининг руйхати ха хужжатлари (мутахасислик буйича диплом,паспорт,инн,мехнат дафтарча) дан нусха.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | 20 | 117700000 | 17 | Экспертная | | |
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 20 | 115000000 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иштрокчининг 3- йиллик айланма маблаглари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: 3- йиллик айланма маблаглари тўғрисида ҳисоботлар.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | 20 | 117700000 | 17 | Экспертная | | |
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 20 | 115000000 | 18 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 117 706 369.00 | 115 000 000.00 UZS | 115 000 000.00 | 00.00 | 115 000 000.00 | 09.09.2022 08:37:56 | 10 |
| **"RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | 117 706 369.00 | 117 700 000.00 UZS | 117 700 000.00 | 00.00 | 117 700 000.00 | 09.09.2022 08:32:49 | 9.7706 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **TRIO UNIVERSAL MCHJ** | 83.7 | 10 | 93.7 |
| **"RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam** | 77.4 | 9.7706 | 87.1706 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 147459 от 15.09.2022 года на приобретение Чиноз туман МТБ тасарруфидаги 13- сонли ДМТТда жорий таьмирлаш определила победителем:

TRIO UNIVERSAL MCHJ
302846923

и резервный исполнитель: "RAVON HAYOT BUILDINGS" mas'uliyati cheklangan jam (306460025)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MAXMUDOVA ZUXRA MIRJAMOLOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | TASHMATOV SHAKIR DUSMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | AGZAMOV AKMALXO·JA BAXRAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DJURAYEV UTKIR GANIYEVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | MUSTAFAYEVA SURAYYO NARBEKOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA**

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami № 281/2789

2014 yil « 27 » феврал

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs "TRIO UNIVERSAL" масъулияти чекланган жамияти ga

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

berilgan

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | THSh | 1153 |
| Mulkchilik shakli: | MSh | 142 |
| Pochta manzili: | MHOBT | 1727256501 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT | 25066454 |
| Tarmoq kodi: | XXTUT | 61110 |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami: | STIR | 302846923 |

Qoshimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ rahbari ________ imzo

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI CHINOZ TUMANI HOKIMI

M.O'.

**Буйрук**

**№1**

**Чиноз тумани** **04.06.2016**

| | |
|---|---|
| Ашрапхонов Маъмирхон Улугбек угли | Чиноз тумани "TRIO UNIVERSAL"МЧЖ рахбари лавозимига тайинлансин |

**Таъсисчи:** **У.Ашрапхонов**

«TRIO UNIVERSAL»
Маъсулияти чекланган жамияти

**«РУЙХАТГА ОЛИНДИ»**

**“ 24 ” февраля 2014 йил**
**№ 281/2788 -сон реестр**
**билан Давлат руйхатига олинган.**

TOSHKENT VILOYATI ... O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... HOKIMI

**« TRIO UNIVERSAL »**
**маъсулияти чекланган жамияти**
**таъсисчиларининг**
**2014 йил «27» февралдаги**
**умумий йиғилиш**
**мажлис баёнига асосан**
**«ТАСДИКЛАНГАН»**

# «TRIO UNIVERSAL»

## Масъулияти чекланган жамиятнинг

## ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

**Чиноз-2014 йил**

## 1. Шартнома иштирокчилари.

**Ушбу шартнома:**

**Ашрапхонов Улугбек Шарипович** (паспорти: АА 1774827 Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ томонидан, 2013 йил 8 июнда берилган. Манзили: Тошкент вилояти, Чиноз шахри, Улугбек кучаси 29-уй).

**Ашрапхонов Маъмурхон Улугбек угли** (паспорти: АА 3840580 Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ томонидан, 2014 йил 9 январда берилган. Манзили: Тошкент вилояти, Чиноз шахри,Улугбек кучаси 29-уй).

## 2. Шартнома мавзуси.

2.1. Ушбу шартноманинг юкорида номлари кайд этилган иштирокчилари «TRIO UNIVERSAL» Масъулияти Чекланган Жамиятини ташкил этадилар (кейинги уринларда «жамият» деб юритилади).

2.2. Жамият Узбекистон Республикаси конунчилиги, Ушбу шартнома ва уз Низоми асосида фаолият курсатади.

2.3. Жамиятнинг манзилгохи: Узбекистон Республикаси Тошкент вилояти Чиноз шахри Улугбек кучаси 29-уйда жойлашган.

## 3. Жамият фаолиятининг максади ва мавзуси.

3.1.Жамият ахолини сифатли ва хавфсиз истеъмол моллари ва озик-овкат махсулотларига булган талабини кондириш максадларида ташкил этилади.

3.2. Жамият фаолиятининг мавзуси куйидагилардан иборат:

- барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга курилиш, монтаж, таъмирлаш, газ ва электр монтаж ишлари буйича хизматлар курсатиш;
- пиширилган ва силикатли гиштлар, сопол блоклар ва панеллар, гиштдан блок ва панеллар, сопол черепицалар ишлаб чикариш юридик ва жисмоний шахсларга етказиб бериш;
- барча турдаги курилиш моллари, халк истемоли моллари, асбестоцемент тушамалар (шифер), блокли гиштлар хамда хом ва пиширилган гишт, турли куринишдаги тушамалар (брустчатка) ишлаб чикариш ва хом гишт ишлаб чикариш;
- юридик ва жсмоний шахсларга хамда фермер ва дехкон хужаликларига МТП ва кишлок хужалиги техникаларини таъмирлаш хизматлари курсатиш;
- богдорчилик махсулотлари етиштириш;
- кишлок хужалиги махсулотларини кайта ишлаш, саклаш, шунингдек, бозорларда, шу жумладан уз савдо шохобчалари оркали сотиш;
- богдорчилик ва кишлок хужалиги махсулотлари етиштириш;
- норуда махсулотлари кайта ишлаб чикариш , кадоклаш ва юридик жисмоний шахсларга сотиш;
- курилиш махсулотлари чикиндиларини кайта ишлаш ;
- улгуржи савдо ;
- барча турдаги озик овкат ва ноозик овкат, яхна ва спиртли ичимликлар, саноат, курилиш, хужалик, идора молларининнг улгуржи ва чакана савдо фаолитяти (махсус рухсатнома талаб килинган холларда лицензия билан фаолият амалга оширилади).

3.3. Жамият узи ишлаб чикарган ва курсатадиган хизматларини пул утказиш ва накд пул хисобига амалга ошириши мумкин.

## 4. Жамиятнинг хукуклари.

4.1. Жамият Тошкент вилояти Чиноз тумани Хокимиятида руйхатга олинган кундан бошлаб хукукий шахснинг хукукларига эга булади.

4.2. Жамият уз ишлаб чикариш фаолиятини шартнома (битимлар) асосида амалга оширади.

4.3. Жамият тижорат-таъминот ва воситачилик фаолиятини мустакил равишда режалаштиради.

4.4. Жамиятга Узбекистон Республикаси конунчилигига мувофик жамиятга куйидаги хукук берилади:

- мулкий ва номулкий хукукларга эга булиш ва улар буйича мажбурият олиш;
- уз номидан хужалик шартномалари, битимлар тузиш ва бошка хукукий харакатларни амалга ошириш, шу жумладан: кредит-вексель, вексель-банк операцияларини килиш, судда даъвогар ва жавобгар сифатида катнашиш;
- ихтиёрий равишда уюшмалар, бирлашмалар, консорциум ва бошка кунгилли ташкилотларга кириш;
- корхона юкори ташкилот ёки гарант булиб хисобланадиган уз хужалик бирикмаларини, жумладан филиаллар, ижара тузилмалар, кичик корхоналар, кооперативлар, улгуржи ва чакана савдо киладиган кушма корхоналарни очиш;
- экспорт-импорт операциялари буйича хорижий фирмалар билан контракт ва битимлар тузиш;
- сумда ва хорижий валютада банк кредитлари, тижорат кредитларидан фойдаланиш;

- Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик акциялар ва бошка кимматли когозларни чикариш, сотиб олиш ва сотиш;

- Халкаро ярмаркаларда ва кургазмаларда катнашиш, махсус кургазмалар, ким ошди савдолари, симпозиумлар, маданий тадбирлар уюштириш ва уларда иштирок этиш, рекламалар чикариш;

- уз ишига шартномавий асосларда мутахассисларни жалб этиш, шу жумладан, вактинчалик ижодий (мехнат) жамоаларини ташкил этиш;

- хусусий асосий ва айланма маблагларга эга булиш, шунингдек, экспорт-импорт ишлаб чикариш фаолиятидан олинган, валюта ва сум кисмларидан иборат булган даромаддан фондларни ташкил этиш;

- мавжуд сум ва валюта маблагларидан техника, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, технологиялар, патентлар, «ноу-хау» дастурлар сотиб олиш, шунингдек, мутахассисларнинг хизмат сафарлари харажатларига, хорижий, илмий, тижорат ва реклама тадбирларида иштирок этишлари учун пул тулаш максадларида мустакил фойдаланиш;

- мулк ва пул маблагларидан Узбекистон Республикаси конунчилигида ман этилган холлардан ташкари булган холларда исталган операцияларни амалга ошириш.

**5. Низом фондини ташкил топиши.**

5.1 Жамиятнинг Низом фонди микдори 4 000 000 (Турт миллион) сум деб тасдиклансин. Таъсисчиларнинг пастки уринларда курсатиб утилган Низом фондига киритган бадаллари тасдиклансин, жамият таъсисчилари куйидагилар:

**Ашрапхонов Улугбек Шарипович** – 2 000 000 (икки миллион) сум , яъни низом фондининг 50 %.

**Ашрапхонов Маъмурхон Улугбек угли** – 2 000 000 (икки миллион) сум , яъни низом фондининг 50 %.

**6. Таъсисчилар хукук ва мажбуриятлари.**

6.1. Жамият Таъсисчилари куйидаги хукукларга эга:

- жамиятнинг ишларини бошкарилишини назорат килиш;
- жамиятнинг фаолияти тугрисида маълумот олиш;
- жамиятнинг Низом жамгармасига узи кушган улушига мутаносиб равишда даромад олиш;

6.2. Жамият Таъсисчиларининг мажбуриятлари:

- Низом жамгармасига тулик улуш кушиш;
- Жамиятнинг фаолияти тугрисида ошкор килиб булмайдиган ахборотларни овоза килмаслик;
- Таъсис хужжатларидаги коидаларга риоя килиш.

6.3. Жамиятнинг Таъсисчилари Низом фондидаги уз улушларини (бир кисмини) бошка таъсисчиларнинг розилиги билан учинчи шахсга утказишлари мумкин:

- таъсисчилардан бири уз улушини бошка шахсга сотганда колган таъсисчилар сотаётган баходан имтиёзли равишда сотиб олишга хаклидирлар;

- уз улушини узга шахсга сотаётган таъсисчи уни бериётган нархи ва шартларини курсатган холда уз улушини узга шахсга сотиш нияти борлиги хакида бошка таъсисчиларни ёзма равишда огохлантириши шарт;

- борди-ю бошка таъсисчилар бир ой ичида сотилаётган кисмини имтиёзли равишда сотиб олиш хукукини амалга оширмасалар ёки уни рад этсалар, таъсисчи уз улушини истаган кишисига сотишга хаклидир;

- Низом жамгармасидаги улушини (бир кисмини) учинчи шахсга берган холда, айни вактда шу шахсга унга улушини берган даражада таъсисчини барча хукук ва мажбуриятлари утади.

6.4. Таъсисчиларнинг жамиятдан чикиш тартиби.

Таъсисчи жамиятдан чикаётганда унга:

а) Низом жамгармасидаги улушига мутаносиб равишда Таъсисчилар Кенгашининг карорига асосан жамият мулкининг бир кисми ёки унинг киймати туланади. (Жамиятдан чиккан кундан бошлаб 12 ой муддат ичида).

б) У жамиятдан кетаётган уша йили жамият томонидан олинган даромаддан унга тегишли кисми берилади. Бу маблаг у жамиятдан кетган йиллик хисоботи тасдикланганидан кейин 12 ой муддат ичида берилади.

6.5. Хукукий шахс кайта ташкил топганда жамиятнинг иштирокчилари ёки, жамиятнинг иштирокчи фукароси вафот этганда унинг ворислари Жамият Таъсисчилари Кенгашининг карорига асосан жамиятга киришлари мумкин.

Борди-ю ворислар жамиятга киришни рад этсалар, ёки бу нарса жамият томонидан рад этилса унга жамият мулкидан тегишли булган улуши пул ёки натурал шаклда берилади, бунинг бахоси кайта ташкил этилаётган кун ёки иштирокчи вафот этган кунга караб аникланади. Бундай холларда жамият Низом фондининг микдори камаяди.

6.6. Жамиятнинг уз Низом фондини камайтириш тугрисидаги Карори бу хакда белгиланган тартибда эълон килингандан кейин 3 ой утгачгина кучга киради.

**7. Жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти, даромадни таксимлаш.**

7.1. Жамиятнинг даромади умумий даромад ва ундан ажратмалар чегирилгандан кейинги фаркдан шаклланади («Махсулотлар иш, хизматларнинг таннархига кирадиган ишлаб чикариш ва реализация буйича харажатларнинг таркиби тугрисида ва харажатлар суммасига тугирланган молиявий якунларини шаклланиш тартиби тугрисидаги» Коидага мувофик).

7.2. Соликлар ва мажбурий туловлар тулангандан кейин жамият ихтиёрида колган даромад резерв фондига чегирмалар ажратилгандан кейин таъсисчилар уртасида уларнинг Низом жамгармасига кушган улушига мутаносиб равишда таксимланади.

7.3. Жамият Дирекциясининг марожати ва Таъсисчилар Кенгашининг Карори билан даромадни тулик ёки кисман ишлаб чикаришни ривожлантириш, айланма маблагларни тулдириш ёки жамиятнинг бошка эхтиёжларига сарфлаш мумкин.

7.4. Жамиятнинг фаолияти тугрисидаги хисибот Таъсисчилар Кенгаши томонидан тасдикланади.

7.5. Жамиятнинг ишларини тафтиш килиш ва текшириш конунчиликда белгиланган тартибга кура молия ва солик идоралари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

## 8. Бошкарув ва назорат органлари.

8.1. Жамиятнинг Олий Органи Таъсисчиларининг Кенгаши булиб, Кенгаш камида бир йилда бир маротаба чакирилади. Кенгаш 3 йил муддатга Раис сайлайди. Низом фондида улушга эга булган Таъсисчилар жамият директорнинг ваколати доирасига кирадиган масалалардан бошка барча исталган масалалар буйича карор чикаришга хаклидирлар.

8.2. Таъсисчилардан хар бирининг берадиган овози микдори унинг Низом фондига кушган улуши микдорига мувофик равишда аникланади.

8.3. Жамиятнинг ижрочи органи Дирекция булиб, уни Кенгаш томонидан тайинланган директор бошкаради.

8.4. Жамиятнинг директори жамият фаолияти масалаларини мустакил хал килади, жамиятни номидан ишонч когозисиз харакат килади, жамиятнинг манфаатларини барча корхоналарда химоя килади, шартномалар тузади, шу жумладан, мехнат шартномаларини хам, ишонч когози беради, банкларда хисоб раками ва бошка счётлар очади, маблагларни таксимлаш хукукидан фойдаланади, штатларни тасдиклайди, жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий булган буйруклар чикаради ва курсатмалар беради.

8.5. Директор жамиятнинг кундалик фаолиятига унга Низом ва Кенгаш карорлари билан хукук, ваколатлари ва амалдаги конунчилик доирасида рахбарлик килади.

## 9. Жамиятни кайта ташкил этиш ва тугатиш.

Жамиятни кайта ташкил этиш ва тугатиш Таъсичилар Кенгашининг карори билан хамда конунчиликда кузда тутилган бошка холларда амалга оширилади.

## 10. Шартномани амал килиш муддати.

Мазкур шартномани узгартирилиши ва тулдирилиши томонларнинг келишувига кура амалга оширилади.
Шартнома чекланмаган муддатга тузилган.
Шартнома томонларнинг келишувига кура бекор килиниши мумкин.

**Таъсисчиларнинг имзолари:**

**Ашрапхонов Улугбек Шарипович** ____________________

**Ашрапхонов Маъмурхон Улугбек угли** ____________________

ВАРОК.

«04» [illegible]

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI ... TUMANI HOKIMI

ЛАБ САНАЛДИ
... варокдан
иборат.

«РУЙХАТГА ОЛИНДИ»

“ 27 ” феврал 2014 йил
№ 11/2794 -сон реестр
билан руйхатига олинган.

«TRIO UNIVERSAL»
маъсулияти чекланган жамияти
таъсисчиларининг 2014 йил «27»
февралдаги йигилиш баёни билан
«ТАСДИКЛАНГАН»

# "TRIO UNIVERSAL"

## Маъсулияти чекланган жамият

# Н И З О М И

Чиноз-2014 йил

## 1 МОДДА.
## ЖАМИЯТ НОМИ МАНЗИЛИ ВА ФАОЛИЯТ КУРСАТИШ МУДДАТИ

1.1. Жамият номи: Узбекистон Республикаси давлат тилидаги тулик номи: "TRIO UNIVERSAL"- маъсулияти чекланган жамият, кискача "TRIO UNIVERSAL" М.Ч.Ж

- рус тилидаги номи: Общество с ограниченной ответственностью " TRIO UNIVERSAL " кискача ООО "TRIO UNIVERSAL".

1.2 Узбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чиноз шахри, Улугбек кучаси 29-уйда жойлашган.

1.3 Жамият фаолият курсатиш муддати чекланмаган.

## 2 МОДДА.
## ЖАМИЯТИНИНГ ХУКУКИЙ ХОЛАТИ

2.1 Жамият конунчилик билан таъкик этилмаган фаолиятнинг хар кандай турларини амалга оширишга ва жавобгарликни зиммасига олишга хакли.

2.2 Жамият юридик шахс хисобланиб, узининг мустакил балансида акс эттирилган дахлсиз мулкка эгалик килишга, уз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олишга, уларни амалга оширишга, бурчларни зиммасига олишга, судда даъвогар ва жавобгар булишга хакли.

2.3 Жамият узининг тулик фирма номи ва урнашган манзили узбек тилида акс эттирилган думалок мухрига эга (мухрга товар белгисини киритиш хукуки берилади).

Шунингдек, жамият уз номи курсатилган тамга ва иш когозларига, эмблемасига хамда урнатилган тартибда руйхатга олинган товар белгисига ва куз билан карашда айнан ухшаш булган бошка воситаларга эга булиш хукукини олади.

2.4 Жамият уз томонидан тасдикланган Низомлар асосида харакат юритувчи шохобчалар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга хакли.

2.5 Жамият уз мажбуриятлари буйича узига тегишли бутун мулк билан жавоб беради.

2.6 Давлат ва унинг органлари Жамият мажбуриятлари буйича жавоб бермагандек, Жамият хам давлат ва унинг органлари мажбуриятлар буйича жавобгар булмайди.

## 3 МОДДА
## ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАКСАД ВА ТУРЛАРИ

3.1 Жамият фаолиятининг асосий максадлари куйидагилар:

- барча турдаги юридик ва жисмоний шахсларга курилиш, монтаж, таъмирлаш, газ ва электр монтаж ишлари буйича хизматлар курсатиш;
- пиширилган ва силикатли гиштлар, сопол блоклар ва панеллар, гиштдан блок ва панеллар, сопол черепицалар ишлаб чикариш юридик ва жисмоний шахсларга етказиб бериш;
- барча турдаги курилиш моллари, халк истемоли моллари, асбестоцемент тушамалар (шифер), блокли гиштлар хамда хом ва пиширилган гишт, турли куринишдаги тушамалар (брустчатка) ишлаб чикариш ва хом гишт ишлаб чикариш;
- юридик ва жсмоний шахсларга хамда фермер ва дехкон хужаликларига МТП ва кишлок хужалиги техникаларини таъмирлаш хизматлари курсатиш;
- богдорчилик махсулотлари етиштириш;
- кишлок хўжалиги махсулотларини кайта ишлаш, саклаш, шунингдек, бозорларда, шу жумладан уз савдо шохобчалари оркали сотиш;
- богдорчилик ва кишлок хўжалиги махсулотлари етиштириш;
- норуда махсулотлари кайта ишлаб чикариш , кадоклаш ва юридик жисмоний шахсларга сотиш;
- курилиш махсулотлари чикиндиларини кайта ишлаш ;
- улгуржи савдо ;
- барча турдаги озик овкат ва ноозик овкат, яхна ва спиртли ичимликлар, саноат, курилиш, хужалик, идора молларининнг улгуржи ва чакана савдо фаолитяти (махсус рухсатнома талаб килинган холларда лицензия билан фаолият амалга оширилади).
- баликчилик ва балик махсулотларини етиштириш максадида кичик хавзалар ташкил килиш хамда юридик ва жисмоний шахсларга балик махсулотлари етказиб бериш;
- паррандачилик махсулотларини етиштириш ва кайта ишлаш;
- чорвачилик, бурдокичилик, баликчилик, кишлок хужалилиги махсулотларини етиштириш ва кайта ишлаш;
- даре ва каналлар узанларини тозалаш тадбирларини амалга ошириш, инерт махсулотлар казиб олиш, юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида етказиб бериш;
- юридик ва жисмоний шахсларга пасажирлар ва юк ташиш буйича шахар атрофи, шахарлараро ва халкаро авторанспорт хизмати курсатиш;
- барча турдаги озик овкат ва ноозик овкат, яхна ва спиртли ичимликлар, саноат, курилиш, хужалик, идора молларининнг улгуржи ва чакана савдо фаолитяти (махсус рухсатнома талаб килинган холларда лицензия билан фаолият амалга оширилади).
- юридик ва жисмоний шахсларга курилиш, махсус курилиш, монтаж ва пудрат ишларини амалга ошириш;

- ёнгинга карши ва куриклаш сигнализацияларини монтаж килиш, наладка килиш ва уларни таъмирлаш;

- майиший хизмат курсатиш шахобчаларини ташкил этиш ва ахолига пуллик хизматлар курсатиш, туй маросилари учун сервис хизматларини курсатиш;

- юридик ва жисмоний шахсларга пасажирлар ва юк ташиш буйича шахар атрофи, шахарлараро ва халкаро автоpанспорт хизмати курсатиш;

- халк истеъмоли, курилиш материаллари ишлаб чикариш буйича кичик хажмдаги цехлар ташкил килиш, кишлок хужалиги ва Чорвачилик махсулотлари етиштириш, сотиш, сотиб олиш ва уларга кайта ишлов бериш;

- автомобилларга автоpанспорт хизматлари курсатиш, ювиш шахобчалари оркали ахолига хизмат курсатиш;

- барча турдаги кишлок хужалиги техникалари, машина ва механизмларининг эхтиёт кисмларини таъмирлаш ва кайта ишлов бериш;

- барча турдаги кишлок хужалиги техника воситаларининг эхтиёт кисмларининг таъминоти билан шугулланиш ва уз савдо шахобчалари оркали реализация килиш;

- интернет клублари ташкил этиш ва компютер уйинлари оркали хизматлар курсатиш;

- туй либослари, анжомлари ва бошка ёрдамчи воситаларни, тикиш, ишлаб чикиш, ижарага бериш ва сотиш;

- туй, тугилган кун, банкет, юбилей ва бошка тантаналарни ташкиллаштириш буйича хизматларни курсатиш ва воситачилик килиш;

- мамлакатнинг экспорт ва импорт имкониятларини юксалтириш;

- нон ва нон махсулотлари ишлаб чикариш;

- музкаймок ва салкин ичимликлар ишлаб чикариш ва сотиш;

- юридик ва жисмоний шахсларга накд ва пул утказиш йули билан автотранспорт , хизматлари курсатиш ва автотранспорт воситаларини ижарага бериш;

- юридик ва жисмоний шахслардан иккиламчи махсулотларни кабул килиб олиш максадида кабул килиш шахобчалари ташкил этиш;

- юридк ва жисмоний шахсларг омборхоналардан накд ва пул утказиш йули билан товарлар етказиб бериш;

- Узбекистон Республикаси ва чет элларда фойдали битимлар тузиш учун товар хом аше ресурсларини излаб топиш ва нарх наволар котировкаси буйича ахборотлар бериш хизматини йулга куйиш;

- Узбекистон Республикасининг корхоналарида камеб турдаги махсулотлар ишлаб чикариш учун буюртмалар кабул килиш;

- ижтимоий, ишлаб чикариш ва булак объектларни контракт асосида зарурий махсулотлар билан таъминлаш;

- ахолига хизматлар курсатиш, ижарага бериш;

- кишлок хужалик, чорва, паррандачилик, богдоичилик махсулотлари харид килиш, кайта ишлаш ва сотиш;

- тиббий клиникалар ташкил этиш ва уларни ишлатиш (лицензия билан)

- тиббий техникалар ва дори дармонлар билан савдо килиш (лицензия билан) курилиш материаллари, шифер, цемент, металл, гипс, алибастр, охак ва бошка турдаги махсулотларни олиб келиш ва сотиш;

- махаллий ва келтирилган ёгочдан ёгоч махсулотлари ишлаб чикариш ва сотиш;

- метал ва метал махсулотларидан стандарт, нестандарт материаллар ва иссикхоналар учун конструкциялар ишлаб чикариш хамда сотиш;

- экспорт импорт операцияларини утказиш.

- воситачилик, консигнацион, дилерлик, дистрибьютерлик ва ташки иктисодий тавсифга эга булган бошка турдаги хизматларни бажариш, шу жумладан рекламалар уюштириш;

- Узбекистон Республикасида ва хорижда ярмаркалар, кургазмалар, семинарлар, салонлар, ким ошди савдолари, тендерлар ва бозор савдолари ташкил килиш, уларда катнашиш;

- омборхоналарда ва консигнация жойларида товарларни кузатиб бориш, уларни саклаш, юклаш ва ураб жойлаш буйича иш ва хизматлар бажариш;

- сифатни бошкариш тизимини жорий этиш буйича хизматлар ва ушбу тизимга сертификат берилиши натижасида эришиладиган афзалликларн тугрисида жамиятнинг кенг оммасига ахборотлар бериб бориш;

- грантлар, банк ва корпарацияларнинг валюта ва сумлардаги кредит хамда депозитларини олиш, улардан фойдаланиш, Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги доирасида корхона ва ташкилотларнинг хамда ахолининг вактинча эркин булган маблагини жалб этиш ва унинг ишга солиш, шу жумладан, кимматли когозлар ва улар хосилаларининг (облигация ва шу кабиларни) чикариш ва жойлаштириш йули оркали;

- Узбекистон Республикасидаги ва хориждаги молиявий, ишлаб чикаришга оид булган ва булмаган хужалик сохаларига инвестиция киритиш;

- Узбекистон Республикасида ва хорижда жойлашган банк муассасаларига узига тегишли хамда жалб этилган валюта ва сумлардаги пул маблагини тижоратчилик асосида жойлаштириш хамда уларни мазкур Низом

ва амалдаги конунчиликка мувофик фойда келтирувчи кимматли когозлар, улар хосилалари ва бошка тур активларга инвестиция сифатида киритиш;

- омборхона, идора, кургазма жойлари, ишлаб чикаришга ва таъминлашга мос булган биноларини турар жойларга бадалсиз эга булиш, уларни харид килиш ёки ижарага олиш;

- сугурта ташкилотлардаги турли хил хавф эхтимолларини сугурта килиш;

- Низомда белгиланган вазифаларга ва амалдаги конунчиликка мувофик уз эхтиёжларини кондириш максадида хар турдаги мулкни ижарага ёки текинга олиш, хамда уларни ижарага бериш ва исталган шаклда бошкага утказиш;

- хайр эхсон фаолияти, моддий-ташкилий ва бошка турдаги ёрдамларни курсатиш, хадия килиш;

- консалтинг хизматларини кўрсатиш, сертификатлаштириш сохасида маслахатлар, ходимларни ўкитиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва уларни сертификатлаштиришни ўрнатилган тартибда ташкил қилиш;

- меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;

- менежмент, маркетинг, консалтинг, инженеринг, лизинг ва дилерлик операциялари;

- мустақил равишда жамият структураси, ходимлар ва ишчиларнинг ойлик маошларини белгилаш;

- синов ва ўлчаш лабораторияларини аккредитация ва аттестация хужжатларни тайёрлашда маслахат ва ёрдам бериш;

- синов ва ўлчов лабораторияларини аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказиш;

- лабораториялараро солиштирув синовларини ташкил этиш ва ўрнатилган тартибда аккредитация идораларига маълумот етказиш;

- савдо-харид ва воситачилик ишларни амалга ошириш;

- семинарлар, конференциялар, презентациялар, кўргазмалар, хайрия бозорлари ташкил қилиш ва ўтказиш;

- хужжатлар тўпламини миллий ва халқаро стандарт талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш ва хулоса бериш;

- таржимонлик ҳизматларини амалга ошириш;

- чет тилларини ўрганиш ва ўргатиш курсларини ташкил қилиш;

- чет эллик фуқароларига сайёхлик хизматларини кўрсатиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- махсулот ишлаб чикариш ва уни ички бозорда ва экспорт учун реализация килиш;

Юкорида курсатиб утилган фаолият турларининг бирортасини ёки бир нечтасини амалга ошириш учун давлат ташкилотлари органлари рухсати ёки тасдиги лозим булса, ёки бунинг учун лицензия олиш талаб этилса, ушбу фаолият турлари тегишли хужжат ёки лицензия олиш оркали амалга оширилади.

Узбекистон Республикасининг конун ва меъёрий хужжатларида назарда тутилган тартибда Республикадан ташкари корхоналар билан мол айирбошлаш (бартер) йули билан Республика учун зарур булган товарлар олиб келиш;

Республика Конунчилигида таъкикланмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш.

3.2. Жамият узи ишлаб чикарган ва курсатадиган хизматларини пул утказиш ва накд пул хисобига амалга ошириши мумкин.

## 4 МОДДА.
## ХУКУКИЙ МАКОМ

Мазкур Низомнинг 3 моддасида курсатиб утилган фаолиятларни амалга оширган холда уз максадларига эришиш учун:

4.1. Жамият куйидаги хукукларни олади:

- амалдаги конунчиликда кузда тутилган тартибда хорижий валюта ва Узбекистон Республикаси валютасида кайд этилган банк счётларини очиш ва уларни уз тасарруфида ушлаш;

- амалдаги конунчилик ва Жамият Низоми оркали урнатилган тартибда уз ихтиёрига мулк сотиб олиш ёки унга бошка бир йуллар билан эга булиш, унга эгалик килиш, фойдаланиш ва уз тасарруфида ушлаш;

- шартномалар тузиш ва уз зиммасига мажбуриятлар олиш;

- хак туланадиган хизматларни тавсия этиш, пудрат ишларини бажариш, контрактлари тузиш ва уларни киймматини белгилаш;

- конунчилик оркали урнатилган тартибда нотижорат ва тижорат ташкилотлар таъсис этиш, уларни кайта ташкил этиш;

- ваколатлар такдим этиш, ишончномалар бериш;

- Жамият Низомида кузда тутилган максадларга эришиш хамда уз фаолиятини кенгайтириш учун узига тегишли активлардан эркин тарзда фойдаланиш;

- корхоналарга хизматлар курсатиш учун халкаро ва махаллий тендерларда катнашиш;

- нотижорат (шу жумладан халкаро) ташкилотлар уюшмалари ва иттифоклар таркибига кириш, улар фаолиятида катнашиш;

- химоя остидаги хужжатлар, технологиялар, аклий мулк ва техникавий маълумотларни харид килиш, уларга эгалик килиш ва улардан фойдаланиш хукукини такдим этиш;

- кредитлардан фойдаланиш;

- узига тегишли молиявий маблагларни, шунингдек, кучмас ва харакатдаги мулкни, ер участкаларини фойдаланишга топшириш ёки бошкага утказиш;

- бошка давлат, жамоат, ширкат, акциядор жамият ва ташкилотлар билан ихтиёрий равишда бирлашиш;

- хориж юридик шахслар ва фукаролар иштирокидаги кушма корхона, халкаро бирлашма ва ташкилотлар барпо этиш ва улар фаолиятида катнашиш;

- Узбекистон Республикаси худудида ва хорижда шуъба ва тобе жамиятлар, шохобчалар тузиш, ваколатхоналар очиш.

4.2. Шуъба корхоналар, шохобча ва ваколатхоналар Жамият мулки ва маблаги хисобига асосий ва айланма воситалар билан таъминланадилар. Жамият томонидан тасдикланган Маком (шохобча ва ваколатхоналар) ва Низомлар (шуъба корхоналар) асосида харакат юритадилар. Шохобча, ваколатхона ва шуъба корхоналар мулки уларнинг алохида балансида ва Жамиятнинг мустакил балансида хисобга олинади.

4.3. Хорижда шуъба корхоналар, шохобча ёки ваколатхоналарни тузиш хакидаги карор Узбекистон Республикасининг ва улар тузилаётган давлат худудида амалда булган конунчилигига мувофик кабул килинади.

4.4. Жамият уз вазифаларини амалга оширишга кумак берадиган, 3-моддада курсатиб утилган максадларга мос келадиган, таъсисчилар Умумий йигилишида маъкулланган, Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига зид келмайдиган, Жамият Низомида таъкик этилмаган ва у оркали йул куйилган фаолиятнинг барча турлари билан шугулланиши мумкин.

4.5. Жамият хисоб ишларини юритади, ваколатли давлат ташкилотларига молиявий, мухосиблик ва статистик хисобот ва маълумотларни топширади, урнатилган тартибда соликларни тулаб боради.

4.6. Жамият факат пуллик хизматлар курсатади, уз хисобидан хизматлар курсатмайди.

4.7. Жамиятнинг юридик ва жисмоний шахслар билан хукукий муносабатлари узаро жавобгарлик ва томонлар манфаатини кузда тутган холда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги ва халкаро нормаларга биноан шартномалар асосида амалга оширилади.

## 5 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИ

5.1. Жамият Таъсисчилари куйидагилар:

**Ашрапхонов Улугбек Шарипович** (паспорти: АА 1774827 Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ томонидан, 2013 йил 8 июнда берилган. Манзили: Тошкент вилояти, Чиноз шахри, Улугбек кучаси 29-уй).

**Ашрапхонов Маъмурхон Улугбек угли** (паспорти: АА 3840580 Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ томонидан, 2014 йил 9 январда берилган. Манзили: Тошкент вилояти, Чиноз шахри,Улугбек кучаси 29-уй).

## 6 МОДДА
## УСТАВ НИЗОМ ЖАМГАРМАСИ

6.1. Жамиятнинг Низом фонди микдори 4 000 000 (Турт миллион) сум деб тасдиклансин. Таъсисчиларнинг пастки уринларда курсатиб утилган Низом фондига киритган бадаллари тасдиклансин, жамият таъсисчилари куйидагилар:

**Ашрапхонов Улугбек Шарипович** – 2 000 000 (икки миллион) сум , яъни низом фондининг 50 %.

**Ашрапхонов Маъмурхон Улугбек угли** – 2 000 000 (икки миллион) сум , яъни низом фондининг 50 %.

6.2. Таъсисчилар уз улушлари хисобидаги маблагларни накд пул еки мулкий улуш тарзида киритишлари мумкин.

6.3. Жамиятга кириш ёки ундан чикиш масалалари Жамият қатнашчилари умумий Йиғилишининг Жамиятнинг барча қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

6.4. Жамият Низом фондининиг таркиби:

Жамият Низом фонди (Низом капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал кийматлардан таркиб топади;

- Жамият иштирокчиси улушининг хакикий киймати Жамият соф активлари кийматининг унинг улуши микдорига мутаносиб булган бир кисмга мос булади.

Жамият давлат руйхатидан утказиладиган пайтига кадар унинг хар бир иштирокчиси таъсис хужжатларида курсатилган жамиятнинг Низом фондига уз хиссасини камида 30% фоизини киритиши шарт.

Жамиятнинг хар бир иштирокчиси таъсис хужжаталрида белгиланган ва жамият давлат руйхатидан утказилган пайтидан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамият Низом фондига уз хиссасини тулик киритиш керак.

Жамият иштирокчиси томонидан хиссасининг тулик киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувохнома билан тасдикланади.

6.5. Жамият Низом фондига кушиладиган хиссалар:

Пул, кимматлди когозлар, узга ашёлар ёки миллий хукуклар ёхуд пул бахосига эга булган бошка шахсга утказиладиган хукуклар. Жамиятнинг Низом фондига кушиладиган хиссалар булиши мумкин.

Низом фондига хисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун бериладиган мол-мулкнинг муддат утганига кадар ушбу мол-мулкдан фойдаланиш хукукий тугатилган такдирда, жамиятнинг мол-мулки берилган иштирокчиси жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ухшаш шароитларда колган муддат мобайнида фойдаланилганлик учун туланадиган хаккига тенг пул товарни тулаши шарт. Пул товарни жамият томонидан уни бериш талабномаси такдим этилганидан эътиборан бир ой ичида бир йула тулаши керак. Бундай карор жамиятнинг Низом фондига хисса сифатида мол-мулкидан фойдаланиш хукукини берган

ва бу хукук муддатидан илгари тутилган жамият иштирокчисининг овозини хисобга олмаган холда жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши томонидан кабул килинади.

Жамиятдан чикарилган ёки ундан чикиб кетган иштирокчи томонидан жамиятнинг Низом фондига хисса тарикасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк у канча муддатга берилган булса, шунча муддат давомида жамият фойдаланишида колаверади.

6.6. Жамият Низом фондининг купайтирилиши:

Жамиятнинг Низом фондини купайтиришга у тулик туланганидан кейингина йул куйилади.

Жамият Низом фондининг купайтирилиши жамиятнинг мол-мулки хисобига ва (ёки) жамият иштирокчиларининг хиссалари хисобига амалга оширилиши мумкин.

6.7. Жамиятнинг Низом фондини унинг мол-мулки хисобига купайтириш:

Жамият Низом фондини жамият мол-мулки хисобига купайтириш тугрисидаги карор. Бундай карор кабул килинишига йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия хисоби маълумтолари асосидагина кабул килиниши мумкин.

Жамият Низом фондини жамият мол-мулки хисобига купайтириладиган сумма жамият соф активларининг киймати билан Низом фонди суммаси уртасидаги фактордан ортик булмаслиги керак.

Жамият Низом фонди ушбу моддага муврофик купайтирилганда жамият барча иштирокчилари улушларининг микдорлари узгармаган холда улар улушларининг номинал киймати мутаносиб равишда купаяди.

6.8. Жамият Низом фонди камайиши:

Жамият уз Низом фондини камайтиришга хаклидир, конунда назарда тутилган холларда эса, жамият уз иштирокчиларининг Жамият Низом фондидаги улашларининг номинал кийматини камайтириши ва (ёки) жамиятга тегишли улушларининг хаккини тулаш оркали Низом фондини камайтириши шарт.

Жамият, агар бундай камайтириш натижасида Низом фондининг микдори жамиятнинг таъсис хужжатларидаги тегишли узгартиришларни давлат руйхатидан утказиш учун хужжатларини такдим этиш санасидаги холатига кура конунга мувофик берилган Низом фондининг минимал микдоридан кам булиб колса, конунга мувофик жамият уз Низом фондини камайтиришга мажбур холларда эса – жамият давлат руйхатидан утказилган холатга кура конунга мувофик берилган Низом фонди минимал микдорда кам булиб колса, жамият узининг Низом фондини камайтиришга хакли эмас.

Жамият барча иштирокчилари улушларининг номинал кийматини камайтириш йули билан жамиятнинг Низом фондини камайтириш жамият барча иштирокчилари улушларининг микдори саклаб колинган холда амалга оширилади.

Жамият давлат руйхатига утказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг Низом фонди тулик туланмаган такдирда, жамият узининг Низом фондини амалга туланган микдоригача камайтирилишини эълон килиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда руйхатдан утказади ёки жамиятни тугатиш тугрисида карор кабул килади.

Агар иккинчи ва хар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин жамият соф активларининг киймати унинг Низом фондидан кам булиб колса, жамият узининг Низом фондини узининг соф активлари кийматидан ошмайдиган микдоргача камайтирилишини эълон килади ва бундай камайтиришни белгиланган тартибда руйхатдан утказади.

Агар иккинчи ва хар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин жамият соф активларининг киймати жамиятнинг давлат руйхатидан утказилиши санасидаги холатга кура конунда белгиланган Низом фондининг минимал микдоридан кам булиб колса, жамият тугатилади.

Жамият соф активларинин киймати конун хужжатларида белгиланган тартибда аникланади.

Жамият Низом фондини камайтириш тукгрисида карор кабул килинган санадан эътиборан уттиз кун ичида жамиятнинг Низом фонди камайтирилгани ва унинг янги микдори хакида жамиятнинг узига маълум булган барча кредиторларни ёзма равишда хабардор килиши, шунингдек, кабул килинган карор тугрисида оммавий ахборот воситалари хабар эълон килиши шарт. Бунда жамият кредиторлари узларига хабарнома йулланган санадан эътиборан уттиз кун ичида ёки кабул килинган карор тугрисида хабар эълон килинган санадан эътиборан жамият тегишли мажбуриятларини муддатдан илгари тугатишни ёки ижро этишни хамда улари курган зарарининг урнини купайишини ёзма равишда талаб килишга хаклидирлар.

Жамият Низом фондини камайтириш билан боглик таъсис хужжатларидаги узгаришларни давлат руйхатидан утказиш кредиторлари ушбу моддада белгиланган тартибда хабардор килинганлиги далиллари такдим этилган такдирдагина конун хужжатларига мувофик амалга оширилади.

Ушбу модда назарда тутилган холларда жамият уз Низом фондини камайтириш ёки узининг тугатилиши тугрисида уч ойлик муддатда карор кабул килинмаса, кредиторлар Жамият мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишни ёки ижро этишини ва узларини курган зарарларининг урнини коплашни талаб килишига хаклидир. Юридик шахсларни давлат руйхатидан утказувчи орган бундай холларда Жамиятни тугатиш тугрисида судга талабнома такдим этишига хаклидир.

6.9. Жамият иштирокчисининг Жамият Низом фондига улушининг (улуши бир кисмининг) Жамиятнинг бошка иштирокчиларига ва учинчи шахсларга утиши:

Жамият иштирокчиси Жамиятнинг Низом фондидаги уз улушини ёхуд унинг бир кисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки узга тарзда улар фойдасига воз кечишига хаклидир. Бундай битимни тузиш учун Жамиятнинг ёки жамият бошка иштирокчиларининг розилинги талаб килинмайди. Жамият иштирокчиси уз улушини (улушининг бир кисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошкача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

Жамият иштирокчисининг улуши тулик тулангунига кадар булган даврда у факат туланган кисми буйича бошка шахсга утказилиши мумкин.

Жамият иштирокчисининг улушини учинчи шахсга таклиф килинадиган бахо буйича уз улушлари микдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли хукукдан фойдаланадилар.

Агар Жамиятнинг бошка иштирокчилари улушини сотиб олишга узларининг имтиёзли хукукларидан фойдаланмаган булсалар, Жамият узининг томонидан сотилаётган улушни сотиб олишда имтиёзли хукукига эга булади.

Уз улушини учинчи шахсга сотиш ниятида булган Жамият ва бошка шартларни курсатган холда бу хукукда Жамиятнинг колган иштирокчиларини ва Жамиятнинг ва узининг ёзма равишда хабардор килиши шарт. Хабарнома Жамият иштирокчиларига Жамият оркали юборилиши назарда тутилиши мумкин. Жамият иштирокчилари ва (ёки) Жамият сотиш учун таклиф килинаётган бутун улушни сотиб олишда имтиёзли хукукдан, шундай хабар берилган конундан эътиборан бир ой ичида фойдаланилмаган такдирда улуш Жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар килинган бахоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

Жамият Низом фондига улушидан бошка шахснинг фойдасига воз кечиш нотариал шаклда амалга оширилади.

Жамият Низом фондидаги улушидан бошка шахснинг фойдасига воз кечилгани хакида бундай воз кечишнинг далилларини такдим этган холда ёзма равишда Жамият хабардор килиши лозим. Жамиятнинг Низом фондидаги улушини олувчи мазкур воз кечиш тугрисидаги Жамият хабардор килинган пайтдан эътиборан Жамият иштирокчисининг хукукларига эга булади ва мажбуриятларини амалга оширади. Жамиятнинг Низом фондига улушини олувчига Жамият иштирокчисининг мазкур улушидан воз кечишига кадар юзага келган барча хукуклари ва мажбуриятлари утади.

Жамиятнинг Низом фондига улушлар жисмоний шахсларнинг меросхурлигига ва Жамиятнинг иштирокчилари булган юридик шахсларнинг хукукий ворисларига утади.

Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхури томонидан мерос кабул килингунга кадар Жамиятнинг вафот этган иштирокчиси хуклари васиятномада курсатилган шахс томонидан, бундай шахс булмаган такдирда эса нотариус тайинланган бошкарувчи томонидан амалга оширилади.

Конунда ёки бошка конунларда назарда тутилган холларда, Жамият Низом фондидаги улуш очик ким ошди савдоси оркали сотилганда, мазкур улушнинг олувчиси жамиятнинг ёки унинг иштирокчиларининг розилигидан катъий назар Жамиятнинг иштирокчисига айланади.

6.10. Жамиятнинг Низом фондидаги улушлар гарови:

Жамиятнинг иштирокчиси Жамият Низом фондидаги тегишли улушни Жамиятнинг бошка иштирокчисига ёки Жамиятнинг розилиги билан учинчи шахсга Жамият барча иштирокчисининг купчилик овози билан кабул килинган. Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг карорига биноан гаровга куйишига хаклидир. Уз улушини гаровга куйиш ниятида булган Жамият иштирокчисининг овозлари овоз бериш натижаларини аниклашда хисобга олинмайди.

6.11. Жамиятнинг Низом фондига улушини Жамият томонидан олиниши:

Жамият узининг Низом фондидаги улушини олишига хакли эмас, Конунда назарда тутилган холлар бундан истисно.

Жамият иштирокчисининг улушини Жамиятнинг бошка иштирокчилари олишни рад этса, шунингдек, улушдан Жамиятнинг иштирокчиси ёки учинчи шахс фойдасига воз кечиш рад этилган такдирда Жамият иштирокчисининг талабига биноан Жамият унга карашли улушни олишга мажбур. Бунда Жамият узининг иштирокчисига бу улушнинг Жамиятнинг иштирокчиси бундай талаб билан мурожаат этган кундан олдинги охирги хисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида аникланадиган хакикий кийматни тулайди ёки Жамият иштирокчисининг розилиги билан ва унга худди шундай кийматдаги мол-мулкни асли холида беради.

Жамиятни таъсис этиш чогида Жамият Низом фондига уз хиссасини уз муддатида тулик микдорда кушмаган Жамият иштирокчисининг улуши, шунингдек, Низомнинг 6.5. учинчи кисмида назарда тутилган пул товарни муддатида такдим этмаган Жамият иштирокчисининг улуши Жамиятга утади. Бунда Жамият иштирокчисига улушининг (мол-мулк Жамият фойдаланишда булган муддатга) у кушган хиссасининг кисмига мутаносиб равишда кисмининг хакикий кийматини Жамият тулайди ёки Жамият иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай кийматдаги мол-мулкни асли холида беради. Улуш бир кисмнинг хакикий киймати хиссасини кушиш ёки товарни такдим этишнинг муддати утадиган кундан олдинги охирги хисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида аникланади.

Жамиятдан чикарилган ёки ундан чикиб кетган Жамият иштирокчисининг улуши жамиятга утади. Бунда Жамиятдан чикарилган ёки чикиб кетган иштирокчига улушининг чикарилиш ёки чикиб кетиш санасидан олдинги охирги хисобот даври учун Жамиятнинг бухгалтерия хисоботлари маълумотлари буйича аникланадиган хакикий кийматни тулаши ёки Жамиятдан чикарилган ёки чикиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай кийматдаги мол-мулкни асли холида беради.

Жамият иштирокчиси розилигига мувофик Жамият томонидан Жамият иштирокчиси улушининг хакикий киймати унинг кредиторлари талабига биноан туланган такдирда, улуш хакикий кийматнинг Жамият бошка иштирокчилари томонидан туланмаган кисми Жамиятга утади, улушининг колган кисми Жамиятнинг иштирокчилари уртасида улар кушган туловга мутаносиб равишда таксимланади.

Улуш Жамиятга утиши амалдаги конуннинг 22-моддасига асосан амалга оширилади.

Улуш Жамиятга утган пайтдан эътиборан бир йил ичида Жамият улушининг хакикий кийматини ёки худди шундай кийматидаги мол-мулкни асли холида бериши шарт.

Улушнинг хукикий киймати Жамият соф активларининг киймати билан унинг Низом фонди микдори уртасидаги фарк хисобидан туланади. Агар бундай фарк етарли булмаса, Жамият узининг Низом фондини етишмаётган суммага камайтириш шарт.

6.12. Жамиятга карашли улушлар:

Жамиятга карашли улушлар Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишида овоз бериш натижаларини аниклаш, шунингдек, Жамият тугатилган такдирда унинг фойдаси ва мол-мулки таксимланаётганида хисобга олинмайди.

Жамиятга карашли улуш у Жамиятга утган кундан эътиборан бир йил ичида жамият иштирокчилари умумий йигилишининг карорига биноан Жамиятнинг барча иштирокчилари уртасида уларнинг Жамият Низом фондига улушларига мутаносиб равишда таксимлайди ёхуд Жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки) учинчи шахсларга сотади хамда тулик тулайди. Улушнинг таксимланган ёки сотилмаган кисмининг хакки Жамиятнинг Низом фондини тегишлича камайтирган холда тулайди.

Ушбу модда назарда тутилган, Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган узгартиришларни давлат руйхатидан утказиш учун хужжатлар, улуш сотилган такдирда эса, Жамият томонидан сотилган улушнинг хакки туланганлиги тасдикловчи хужжатлар хам юридик шахсларни давлат руйхатидан утказувчи органга Жамият иштирокчилари улушларининг хаккини тулаш якунларини тасдиклаш ва Жамиятнинг таъсис хужжатларига тегишли узгартиришлар киритиш тугрисида карор килинган кундан эътиборан бир ой ичида такдим этилиши шарт.

6.13. Ундирувчи Жамият иштирокчисиниинг Жамият Низом фондига улушига каратиш:

Кредиторларнинг талабига биноан Жамият иштирокчисининг карзлари буйича ундирувни Жамият иштирокчисининг Жамият Низом фондига улушига каратишга карзларни коплаш учун Жамият иштирокчисининг бошка мол-мулкини етарли булмаганда факат суднинг карори асосида йул куйилади.

Жамият иштирокчисининг карзлари буйича ундирув Жамият иштирокчисининг Жамият Низом фондидаги улушига каратилган такдирда, Жамият кредиторларга Жамият иштирокчиси улушининг хакикий кийматини улушига хаклидир.

Жамият иштирокчисининг Жамият Низом фондидаги улушининг хукикий киймати ундирувчи Жамият иштирокчининг карзлари буйича унинг улушига каратиш тугрисида Жамият талаб куйилган санадан олдинги охирги хисобот даври учун бухгалтерия хисоботлари маълумотлари асосида аниклаанди.

Агар Жамият кредиторлари томонидан талаб такдим этилган пайтдан эътиборан уй ой ичида Жамият ёки унинг иштирокчилари ундирув каратилган Жамият иштирокчиси бутун улушининг (бутун улуши бир кисмининг) хакикий кийматини туламасалар, ундирувни Жамият иштирокчисининг улушига каратиш уни очик ким ошди савдоси сотиш йули билан амалга оширилади.

6.14. Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчилари уртасида таксимлаш:

Жамият хар чоракда бир марта узининг соф фойдасини Жамият иштирокчилари уртасида таксимлаш тугирсида карор кабул килади. Жамиятнинг Жамият иштирокчилар уртасида таксимланадиган фойдаси кисмини аниклаш тугрисидаги карор Жамият иштирокчисининг умумий йигилиши томонидан кабул килинади.

Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари уртасида таксимлаш учун мулжалланган кисми уларнинг Жамият Низоми фондидаги улушларига мутаносиб равишда таксимланади.

6.15. Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчилари уртасида таксимлашдаги чеклашлар. Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчиларига тулашдаги чеклашлар:

- Жамият куйидаги холларда уз фойдасини Жамият иштирокчилари уртасида таксимлаш тугрисида карор кабул килишга хакли эмас:

Жамиятнинг бутун Низом фонди тулик тулангунга кадар;

Конунда назарда тутилган холларда Жамият иштирокчиси улушининг хакикий киймати тулангунга кадар;

- агар бундай карорни кабул килиш пайтида Жамият конунга мувофик банкротлик белгиларига жавоб берса ёки мазкур белгилар Жамиятида шундай карор кабул килиниши натижасида пайдо булса;

- агар шундай карорни кабул килиши пайтида Жамият соф активларининг киймати унинг Низом фондидан ва захира фондида кам булмас ёки шундай карор кабул килиниши натижасида уларнинг микдоридан камрок булиб булса;

- конун хужжатларида назарда тутилган бошка холларда.

Жамият уз иштирокчилари уртасида таксимланиши тугрисида карор кабул килинган куйидаги холларда Жамият иштирокчиларига фойдани тулашга хакли эмас;

Агар тулаш пайтида Жамият конунига мувофик банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда тулов натижасида пайдо булса;

- агар тулаш пайтида Жамиятнинг соф активлари киймати унинг Низом фондидан ва захира фондидан кам булса ёки тулаш натижасида уларнинг микдоридан камрок булиб колса;

- конун хужжатларида назарда тутилган бошка холларда.

Ушбу модданинг иккинчи кисмида курсатилган холатлар тугаганидан кейин жамият уз иштирокчилари уртасида таксимланиши тугрисида карор кабул килинган фойдани тулаши шарт.

6.16. Жамиятнинг захира фонди:

Жамият узининг Низомида назарда тутган, лекин уз Низом фондининг 15% фоизидан кам булмаган микдорда захира фондини вужудга келтиради. Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг Низомида белгиланган

микдорига етгунга кадар хар йили соф фойдадан ажратмалар килиш йули билан шакллантирилади. Хар йилги ажратмалар микдори соф фойдасининг 5% фоиздан кам булиши мумкин эмас.

Жамиятнинг захира фонди конунда назарда тутилган холларда унинг зарарларни коплаш ва жамият томонидан Жамиятнинг Низом фондидаги улушини олиш учун мулжаллангандир.

## 7 МОДДА
## ЖАМИЯТНИНГ БОШКАРУВИ

7.1. Жамиятнинг бошкарув органлари:

Жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши Жамият бошкарувининг олий органи хисобланади.

Жамиятнинг жорий фаолиятига рахбарлик килиш Жамиятнинг якка бошчилик асосида ижро этувчи органи (рахбар) томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишига хисобдордир.

7.2. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишларининг ваколатлари:

Жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг мутлок ваколатлари жумласига куйидагилар киради:

А) Жамият фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш, шунингдек, тижорат ташкилотларининг бошка бирлашмаларида иштирок этиш тугрисида карор кабул килиш;

Б) Жамият Низом фондининг миқдорини узгартириш (6.9. бандининг биринчи кисмида курсатилган масалалар бундан истисно);

В) Таъсис хужжатларига узгартиришлар ва кушимчалар киритиш (6.9. бандининг биринчи кисмида курсатилган масалалар бундан мустасно);

Г) Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Д) Жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Е) йиллик хисоботларни ва йиллик бухгатерия балансларни тасдиклаш;

Ж) Жамиятнинг соф фойдасини Жамият иштирокчилари уртасида таксимлаш тугрисида карор кабул килиш;

З) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи хужжатларни тасдиклаш (кабул килиш);

И) Аудиторлик текширувни утказиш тугрисида карор кабул килиш, аудиторлик ташкилотлари хамда уларнинг хзматларига туланадиган хакнинг энг куп микдорини аниклаш;

К) Бошка юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тугрисида карор кабул килиш;

Л) Жамиятни кайта ташкил этиш ёки тугатиш тугрисида карор кабул килиш;

М) Тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш тугрисида карор кабул килиш;

Н) Конунда назарда тутилган бошка масалаларни хал килиш.

7.3. Жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг мутлок ваколатлари жумласига киритилган масалалар конунда назарда тутилган холларни истисно этганда, унинг томонидан Жамиятнинг ижро этувчи органи хал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

Жамият иштирокчисининг навбатдаги умумий йигилиши:

Жамият иштирокчисининг навбатдаги умумий йигилиши йилда камида бир маротаба утказилади. Жамият иштирокчисининг навбатдаги умумий йигилиши Жамият иштирокчисининг навбатдаги умумий йигилишининг ижро этувчи органи томонидан чекланади.

Жамиятнинг Низомида Жамият фаолиятининг йиллик натижалари тасдикланадиган Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йигилишларининг утказиш муддатлари белгиланиши керак. Жамият иштирокчилариниг мазкур умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида утказилиши керак.

7.4. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши:

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши Жамиятнинг Низомида белгиланган холларда утказилинади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

Жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ундан бирига эга булган Жамият иштирокчиларининг;

- Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабларига биноан чакирилади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши зарур холларда Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чикарилиш мумкин.

Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишини утказиш тугрисидаги талаб олинган санадан этиборан уч кун ичида мазкур талабни куриб чикиши ва Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишини утказиш хакида Ёки уни утказилишини рад этиш тугрисида карор кабул килиш шарт.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишини рад этиш тугрисидаги карор Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан факат куйидаги холларда кабул килиш мумкин:

- агар Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишини утказиш тугрисидаги талабни такдим этишнинг конунда белгиланган тартибга риоя этилган булмаса;

- агар Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишларининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган масалаларнинг бир ёки бир нечаси Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг ваколатлари жумласига кирмаса ёки конун хужжатларининг талабларига мос булмаса, мазкур масалалар кун тартибига киритилмайди.

Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар тарифига узгартиришлар киритилишга, шунингдек, Жамият иштрокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишни •утказишнинг таклиф килинган шаклини узгартиришга хакли эмас.

Жамият иштрокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган масалалар билан бир каторда, Жамиятнинг ижро этувчи органи уз ташаббуси билан унга кун тартиби расмий равишда укиб эшиттириладиган кундан кечиктирмай, кушимча масалалар киритишга хаклидир.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини утказиш тугрисида карор кабул килинган такдирда, бундай умумий йигилиш уни утказиш тугрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан кирк беш кундан кечиктирмай утказиши шарт.

Агар конунда белгиланган муддат ичида Жамият иштрокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилишини утказиш тугрисида карор кабул килинган Ёки уни утказишни рад этиш тугрисида карор кабул килинган булса, Жамият иштрокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши уни утказишни талаб килаётган органлар ёки шахслар томонидан чакирилиши мумкин. Бундай холлда Жамиятнинг ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга Жамият иштрокчиларининг манзиллари курсатилган руйхатни такдим этиши шарт. Умумий йигилишга тайёргарлик куриш, уни чакириш ва утказиш хужжатлари Жамият иштрокчилари умумий йигилшнинг карорига биноан Жамиятнинг маблаёлари хисобидан коплаши мумкин.

7.5. Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишнинг чакириш тартиби.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар уни утказишдан камида уттиз кун олдин бу хакда Жамиятнинг хар бир иштрокчисини Жамият иштрокчиларининг руйхатида курсатилган манзил буйича буюртма хат билан ёки телефонограмма оркали хабардор килиши шарт. Хабарномада Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши утказиладиган вакт ва жой. Шунингдек, таклиф килинаётган кун тартиби курсатилиши керак.

Жамият иштрокчилари истаган пайтда навбатдан ташкари йигилиш утказишлар мумкин. Бунда жамиятнинг бошка иштирокчилари телефонограмма оркали йигилиш вакти ва жойи тугрисида хабардор килинади.

Жамиятнинг исталган иштирокчиси Жамият иштрокчилари умумий йигилишларининг кун тартибига кушимча масалаларнинг киритиш тугрисида уни утказишдан камида ун беш кун олдин таклифлар киритишга хаклидир. Кушимча масалалар Жамият иштрокчилари умумий йигилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганларида жумласига кирмайдиган масалаларни Жамият иштрокчилари умумий йигилишининг кун тартибига киритилади.

Жамият иштрокчилариларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар жамият иштирокчилари умумий йигилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф килинган кушимча масалалар тарифига узгартиришлар киритишга хакли эмаслар.

Агар Жамият иштрокчиларининг таклифига биноан Жамият иштрокчилари умумий йигилишининг дастлабки кун тартибига узгартиришлар киритиладиган булса, Жамият иштрокчилариининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар умумий йигилиш утказиладиган камида ун кун олдин уш модданинг биринчи кисмида курсатилган усулда кун тартибига киритилган узгартиришлар хакида Жамиятнинг барча иштрокчиларини хабардор килишлари шарт.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишига тайёргарлик куриш чогида Жамият иштрокчиларига такдим этилиши лозим булган ахборот ва материаллар жумласига куйидагилар киради:

-Жамиятнинг йиллик хисоботи;

-Жамиятнинг йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари буйича Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаси;

-Молиявий хисоботларнинг тугрилиги ва бухгалтерия хисобини юритиш тартиби белгиланган талабларга мувофиклиги тугрисидаги аудиторлик хулосаси;

-Жамиятнинг ижро этувчи органларига, Жамиятнинг тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзод (номзодлар) тугрисидаги маълумотлар;

-Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларин Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини утказиш тугрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби узгартирилган такдирда, тегишли ахборот ва материаллар яна шундай узгариш тугрисидаги хабарнома билан биргаликда юритилади. Курсатилган ахборот ва материаллар Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши утказилишидан олдин уттиз кун мобайнида Жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун Жамиятнинг барча иштрокчиларига такдим этилиши керак.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг чакиришнинг ушбу модда белгиланган тартиби бузилган такдирда, агар бундай умумий йигилшда Жамиятнинг барча иштрокчилари иштирок этаётган булса, у ваколатли деб эътироф этилади.

7.6. Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини утказиш тартиби:

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши конунда, Жамиятнинг Низомида ва унинг хужжатларида белгиланган тартибда утказилади. Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини утказиш

тартиби конун, Жамиятнинг Низоми ва хужжатлари билан тартибга солинмаган кисмида Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг карори билан белгиланади.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишида шахсан ёки уз ваколатлари оркали иштирок этишга хаклидирлар.

Жамият иштрокчиларининг вакиллари уз ваколатларини тасдикловчи хужжатни (ишончномани) курсатишлари лозим. Жамият иштрокчисининг вакилига берилган ишончнома конун талабларига мувофик расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдикланган булиши керак.

Жамиятнинг иштрокчилари ёки уларнинг вакиллари кун тартибидаги масалаларни мухокама килишда иштирок этиш ва карорларни кабул килишда овоз бериш хукукига эгадирлар. Жамиятнинг Жамият иштрокчилари курсатиб утилган хукукларни чеклов таъсис хужжатларининг коидалари ёки жамият органларининг карорлари хакикий эмас.

Жамиятнинг хар бир иштирокчиси Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишида Жамиятнинг Низом фондидаги уз улушига мутаносиб овозлар сонига эга булади, конунда назарда тутилган холлар бундан мустасно.

Жамнинг руйхатдан утмаган иштирокчиси (Жамият иштрокчисининг вакиили) овоз беришда иштирок этишга хакли эмас.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишини утказиш тугрисидаги хабарнома курсатилган вактда ёки, агар Жамиятнинг барча иштрокчилари давлат руйхатидан утиб булган булса, олдинрок очилади.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши Низомининг 6.5. моддасининг 1,2,3 ва 5-кисмига мувофик Жамият иштрокчиларига хабар килинган кун тартибидаги масалалар буйичагина карорлар кабул килишига хакли, мазкур умумий йигилишда Жамиятнинг барча иштрокчилари катнашаётган холлар бундан мустасно. Жамият иштрокчилари умумий йигилишининг карорлари очик овоз бериш йули билан кабул килинади.

Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг баённомаси киритилишини ташкил этади.

7.7. Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг баённомаси:

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг баённомасида куйидагилар курсатилади:

- иштрокчилар умумий йигилиши утказиладиган вакт ва жой;
- йигилишда катнашаётган иштирок этувчилар эга булган овозларнинг умумий сони;
- йигилишларнинг раиси ва котиби, йигилишнинг кун тартиби.

йигилишлар умумий йигилишнинг умумий баённомасида маърузаларнинг асосий коидалари овозга куйилган масалалар ва улар буйича воз кечиш хукуклари, йигилишда кабул килинган карорлар акс этилган булиши шарт.

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг баённомаси йигилиш утказилгандан сунг уч кундан кечиктирмай умумий йигилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

7.8. Жамият иштрокчилари умумий йигилишнинг сиртидан овоз бериш йули билан (суров йули билан) кабул килинадиган карори:

Жамият иштрокчиларининг умумий йигилишининг карори йигилишни утказмай (кун тартибидаги масалаларни мухокама килиш ва овозга куйилган масалалар юзасидан карорлар кабул килиш Жамият иштрокчилари биргаликда хозир булмай) сиртдан воз кечиш йули билан кабул килиниши мумкин. Бундай овоз бериш почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алока ёки узатиб бериладиган ва кабул килинадиган хабарларнинг тугри булиши ва унинг хужжатлар билан тасдикланувчи бошка алока воситалари хужжатларни айирбошлаш йули билан утказилиши мумкин.

Таъсис хужжатларига узгартиришлар ва кушимчалар киритиш Жамиятни кайта ташкил этиш ва тугатиш тугрисида карор сиртидан воз кечиш йули билан кабул килиниши мумкин эмас.

Сиртдан овоз бериш тартибида таклиф килинаётган кун тартиби Жамиятнинг барча иштрокчиларига хабар килинади. Жамиятнинг иштрокчилари овоз бериш бошлангунга кадар барча зарур ахборот ва материаллар билан танишиб чикишади, кун тартибига кушимча масалаларни киритиш тугрисида таклифлар киритади, овоз бериш бошлангунга кадар Жамиятнинг барча иштрокчиларига узгартирилган кун тартиби, шунингдек, овоз бериш таомилининг тугатиш муддати тугрисида хабар килади.

7.9. Жамиятни ташкил килиш:

- Жамият иштрокчиси улушининг энг юкори микдорини чеклаб утиш;
- Шунингдек, Жамият иштрокчилари улушларининг нисбатини узгартириш имкониятини чеклаб куйиш;

Жамият иштрокчилари ва Жамиятга кабул килинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг Низом фондига кушиладиган пулсиз хиссасининг пул бахосини тасдиклаш;

- учинчи шахснинг аризасига асосан Жамиятга кабул килиш;
- Жамият иштрокчисининг ва (ёки) учинчи шахснинг хисса кушиш тугрисидаги аризалари асосида Низом фондини купайтириш;
- улушни Жамият иштрокчилари улушининг микдорларига номутаносиб равишда сотиб олишнинг имтиёзли хукукини амалга ошириш тартибини белгиловчи коидалар Жамиятнинг Низомига киритилиши, узгартирилиши, Низомдан чикариб ташлаши;

Жамиятга карашли улушни Жамият иштрокчиларининг улушлари микдори узгарадиган тарзда Жамият иштрокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсга сотиш, шунингдек, улушни сотиш билан боглик узгаришларни Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритиш;

Мол-мулкка ундирув каратилган Жамият иштирокчиси улушининг хакикий киймати кредиторларига Жамиятнинг колган иштрокчилари томонидан уларнинг Жамият Низом фондидаги улушларга мутаносиб равишда тулаш;

Жамият барча иштрокчилари томонидан бир овоздан кабул килинган умумий йигилишнинг карорига биноан амалга оширилади.

- Жамиятнинг Низом фондини улушларига мутаносиб равишда купайтириш;

- Низомнинг 7.2 моддасининг иккинчи кисми хат бошисида курсатилган масалалар юзасидан, шунингдек, Жамият Низомида белгиланган бошка масалалар юзасидан карорлар жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки кисмидан иборат купчилик овозлари билан кабул килинади.

Колган масалалар буйича Жамият иштрокчилари умумий йигилишда оддий купчилик овоз билан кабул килинади.

7.10. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи:

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (рахбар) Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши томонидан беш йил муддатга сайланади. Жамиятнинг якка бошчилик асосидоги ижро этувчи органи унинг иштирокчилари булмаганлар орасида хам сайлаши мумкин.

Жамият ва унинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс уртасидаги шартнома Жамият номидан Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс сайланган умумий йигилишдаги раислик килувчи шахс томонидан ёки Жамият иштирокчилари умумий йигилишини карори билан ваколат берилган ваколат берган Жамият иштирокчиси томонидан имзоланади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи сифатида факат жисмоний шахс иш юритиши мумкин.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи:

- Жамият номидан ишончномаси иш юритишда, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;

- Жамият номидан вакиллик килиш хукуки учун ишончномалар беради;

- Жамият ходимлари билан мехнат шартномаларини тузади ва уларни бекор килади. Ходимларга нисбатан рагбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни куллайди;

Конун ва Жамиятнинг Низоми билан Жамият иштрокчиларининг умумий йигилиши ваколатлари жумласига киритилмаган бошка ваколатларни амалга оширади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органнинг фаолияти ва унинг томонидан карорлар кабул килиш тартиби Жамиятнинг хужжатлари билан, шунингдек, Жамият ва унинг яккабошчилик асосдаги ижро этувчи органни вазифасини амалга оширувчи шахс уртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

7.11. Жамият яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органнинг жавобгарлиги:

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органни (рахбари) хукукларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда Жамият манфаатларини кузлаб халол ва окилона харакат килишлари керак.

Жамиятнинг яккабошчилик асосдаги ижро этувчи органни узларининг айбли характерлари (харакатсизлиги) туфайли етказган зарар учун Жамият олдида жавобгар буладилар.

Жамият яккабошчилик асосдаги ижро этувчи органни жавобгарлиги асослари ва микдорни аниклашда иш муомаласи одатлари ва иш учун ахамиятли бошка холатлар эътиборга олинмоёи лозим.

Агар ушбу модданинг конунларига мувофик бир неча шахс жавобгар булса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар булади.

Жамият ёки унинг иштирокчиси Жамиятнинг яккабошчилик асосдаги ижро этувчи органи томонидан Жамиятга етказилган зарар урнини коплаш тугрисидаги даъво билан судга мурожаат килишга хаклидир.

## 8 МОДДА
## МОЛИЯ ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

8.1. Жамият уз фаолиятини йигилиш ишлаб чикадиган ва тасдиклайдиган жорий ва перспектив режалар асосида амалга оширади.

Жамиятнинг молиявий фаолият Жамият хужалик фаолияти режасининг таркибий кисми хисобланган молия режаси асосида оширилади. Жамиятнинг молия режаси хар бир молия йилига тузилади. Жамиятнинг молия йили календар йилига мос келади. Жамиятнинг биринчи молия йили унинг фаолияти бошланган йилнинг 31 декабрида тугайди. Жамият молиявий фаолиятининг натижалари бухгалтериянинг йиллик хисоботи асосида аникланади.

Жамиятнинг валюта билан буладиган барча харажатлари, шу жумладан, фойдадан чет эллик аъзога бериладиган валюта хам Жамиятга чет эл валютасидан келадиган тушум хисобидан таъминланади ва Жамиятнинг валюта счётидаги маблаг доирасида амалга оширилади.

## 9 МОДДА
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХУКУКЛАРИ

9.1. Жамият иштирокчилари куйидагиларга хаклидирлар:

Конунда ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошкаришда иштирок этади;

Конун хужжатларида ва Жамият таъсис хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тугрисида ахборот олиш хамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошка хужжатлари билан танишиш;

Фойдани таксимлашда иштирок этиш;

Жамиятнинг Низом фондидаги уз улушини ёхуд унинг бир кисмини конунда ва Жамиятнинг Низомида назарда тутилган тартибда мазкур Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки узга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;

Жамият бошка иштирокчиларининг розилигидан катъий назар конунда ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вактда Жамиятдан чикиш;

Жамият тугатилган такдирда, кредиторлар билан хисоб-китоб килингандан кейин мол-мулкнинг бир кисмининг ёки унинг кийматини олиш.

9.2. Жами улушлари Жамият Низом фондининг камида 10 фоизини ташкил этадиган Жамият иштирокчилари уз мажбуриятларини купол бузаётган ёхуд уз харакатлари (харакатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият курсатишига имкон бераётган ёки уни жиддий тарзда кийинлаштираётган иштирокчини Жамиятдан суд тартибда чакирилишни талаб килишга хаклидирлар.

9.3. Жамият иштирокчилари конун хужжатларида ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган бошка хукукларга эга булишлари мумкин.

## 10 МОДДА.
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

10.1. Жамият таъсисчилари зиммаларига мазкур таъсис хужжатлари билан боглик мажбуриятлардан ташкари Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилигидан келиб чикадиган куйидаги мажбуриятларни киладилар:

- Жамият электроэнергияси, сув ва иссиклик, шунингдек, ишлаб чикариш фаолияти учун зарур булган бошка воситалар билан таъминлашда ёрдам курсатиш;
- Жамиятнинг олий органи карори ва ушбу Низомга мувофик равишда улуш ва кушимча улуш куйиш;
- Конунда ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усулларда ва муддатларда хисса кушишлари;
- Жамият фаолияти тугрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор килмасликлари шарт.

10.2. Жамият иштирокчиларининг конун хужжатларида ва Жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган бошка мажбуриятлари хам булиши мумкин.

## 11 МОДДА.
## ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ КИЛИШ.

11.1. Жамиятнинг аудиторлик текшируви:

Молия хисоботлари тугрилигини. Бухгалтерия хисоботини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиклигини текшириш учун Жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг карорига биноан конун хужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

11.2. Жамият хисоботларининг очиклиги:

Жамият узининг фаолиятига доир ахборотларни конун хужжатларида назарда тутилган тартибда ошкор этиши шарт.

11.3. Жамият хужжатларини саклаш:

Жамият, агар конун хужжатларида бошкача коида назарда тутилган булса, куйидаги хужжатларни назарда белгиланган муддат мобайнида саклаши шарт:

Жамиятнинг таъсис хужжатлари, шунингдек, Жамиятнинг таъсис хужжатларига киритилган хамда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган узгартиришлар ва кушимчалар;

Жамият муассасалари йигилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамият Низом фондига кушиладиган пулсиз хиссаларининг пул бахосини тасдиклаш тугрисидаги карорларини, шунингдек, Жамиятни ташкил этиш билан боглик бошка карорларни уз ичига олган баённомаси;

Жамият давлат руйхатидан утказилганлигини тасдикловчи хужжат;

Жамиятнинг уз балансида турган мол-мулкка булган хукукни тасдикловчи хужжатлар;

Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тугрисидаги Низомлар;

Жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг ва Жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;

Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотларининг хулосалари;

Конун хужжатларида назарда тутилган бошка хужжатлар.

Жамият модданинг биринчи кисмида назарда тутилган хужжатларини узининг жойлашган жойи (давлат руйхатидан утказилган жойи) буйича саклайди.

## 12 МОДДА.
## ХОДИМЛАР (ПЕРСОНАЛ)

12.1. Одамларни ёнлаш ва ишдан бушатиш, мехнатга хак тулаш шароитлари ва микдори, шунингдек, Жамият ходимларини моддий рагбатлантириш масалаларини дирекция йигилиш белгиланган ваколатлар доирасида хал килади.

12.2. Ходимларнинг иш тартиби ва дам олиш жадвали, уларни ижтимоий таъминлаш ва сугурта килиш амалдаги конунчилик нормалари асосида бошкарилади.

12.3. Чет эллик мутахассисларни уй-жой, виза, мехнатга хак тулашни Жамият уз фаолият доирасига мувофик амалга оширади.

## 13 МОДДА.
## ХИСОБГА ОЛИШ ВА ХИСОБОТ

13.1. Жамият узининг молиявий ва иктисодий ахволи тугрисида таъсисчиларига ва йигилишга хисобот беришга мажбур. Хисоботда фойда ва зарарнинг баланси ва счёти, улар тугрисидаги тушунтиришлар акс этиши керак.

Жамият оператив, бухгалтерик ва статистик учёти норматив хужжатлари асосида олиб борилади.

Жамиятнинг молиявий хужалик фаолиятни тафтиш комиссияси, хужалик хисоботидаги аудитор ташкилоти текширади.

## 14. МОДДА.
## ЖАМИЯТНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

Жамиятни кайта ташкил килиш, кушиб юбориш, бирлаштириш, булиши, ажратиб чикариш, кайта тузиш Узбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган хамда кушимча масъулиятли жамиятлар тугрисида"ги конуннинг 49-54-моддаларига асосан амалга оширилади.

14.1. Жамият конун ва Жамият Низоми талаблари хисобига олинган холда коунларда белгиланган тартибда ихтиёрий равишда тугатилиши мумкин. Жамият конун хужжатларида назарда тутган асосларга кура суднинг карорига биноан тугатилиш мумкин.

Жамиятни тугатиш унинг хукуклари ва мажбуриятлари хукукий ворислик тартибида бошка шахсларига кутмаган холда фаолиятнинг тугатилишига сабаб булади.

Жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш хамда тугатиш комиссиясини тугрисидаги карори Жамият кузатув кенгашининг, ижро этувчи органнинг ёки иштирокчисининг таклифига биноан кабул килинади.

Ихтиёрий равишда тугатилган Жамият иштирокчилариниг умумий йигилиши Жамиятни тугатиш ва юридик шахсларни давлат руйхатидан утказувчи орган билан келишилган холда тугатиш комиссиясини таъминлаш тугрисида карор кабул килади.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтда эътиборан Жамият ишларини бошкариш буйича барча ваколатлар унга утади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган Жамият номидан судда иштирок этади.

Жамиятни тугатиш тартиби конун хужжатлари билан белгиланади ва Узбекистон Республикаси «Фукаролик кодекси»нинг 53-56-моддаларига асосан амалга оширилади.

Жамиятни тугатиш таъсисчилар умумий йигилишларининг карорига асосан, таъсисчилар умумий йигилиши томонидан тасдикланган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тугатиш комиссияси аъзолари Жамият давлат руйхатига олган орган билан келишган холда таъсисчилар умумий йигилиши (ёки суд) томонидан тайинланади.

14.2. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан унга Жамият ишларини бошкариш ваколати утади. Тугатиш комиссияси Жамият жойлашган жойдаги матбуот органига унинг тугатилиши, кредиторлар даъво аризасининг тартиби ва муддати тугрисидаги маълумотларни беради.

14.3. Тугатиш комиссияси Жамиятнинг мол-мулкини бахолайди, унинг кредиторлари ва дебиторларини топади ва улар билан хисоб-китоб килади. Жамият ходимларига хамда унинг катнашчиларига тулаш чораларини маълум килади, тугатиш балансини тузади ва уни таъсисчиларнинг йигилишига такдим этади.

Оралик тугатиш баланси таъсисчилар умумий йигилиши томонидан давлат руйхатидан утказувчи орган билан келишган холда тасдиклайди.

14.4. Жамият тугатилаётган вактида унинг мол-мулки жисмоний ва маънавий емирилишини хисобга олган холда бахоланади.

14.5. Жамиятда мавжуд булган, шунингдек, тугатиш пайтда мулкни сотишдан келган пул маблаглари амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда таксимланади. Колган мол-мулк катнашчилар уртасида уларнинг Низом фондидаги хиссаларига мутаносиб равишда таксимланади.

14.6. Жамият ижарага олган бино, иншоот, транспорт воситалари ва бошка мол-мулкларни тугатиш комиссияси уларни эгаларига кайтаради.

14.7. Тугатиш колмиссиясининг карори ушбу комиссия аъзоларининг купчилик овози билан кабул килинганидангина хакикий хисобланади. Тугатиш комиссиясининг карори мазкур Низомнинг мазмунига таъсир килиши мумкин эмас.

14.8. Тугатиш комиссияси Жамиятга, унинг таъсисчиларига, шунингдек, учинчи шахсларга етказган зарари учун амалдаги фукаролик конун нормалари буйича жавобгарликка эга.

14.9. Давлат руйхати реестрига Жамият тугатилганлиги тугрисида маълум ёзув киритилган пайтидан бошлаб, тугатиш тамомланган, Жамият булса, уз фаолиятини тухтатган деб хисобланади.

Таъсисчининг имзоси:

**Ашрапхонов Улугбек Шарипович** ____________________

**Ашрапхонов Маъмурхон Улугбек угли** ____________________

ВАРОКЛАБ САНАЛДИ
«14» ўн тўрт варокдан
иборат.



# СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ

Умумқурилиш-Ижтимоий объектлар | Мелиорация ва ирригация рейтинги | Автомобиль йўллари, кўприклар | Лойиҳа ташкилотлари рейтинги

[illegible]

Ташкилот номи: "[illegible] UNIVERSAL" [illegible]

Рейтинг: CCC

[illegible] →

Статистика



Чиноз тумани МТБ булими мудирига

«TRIO UNIVERSAL» МЧЖ

рахбари М. Ашрапхоновдан

## ТИЖОРАТ ТАКЛИФ

« TRIO UNIVERSAL» МЧЖ Сизнинг ахборот порталига №: 22110012127124 - сонли лот билан жойлаштирган эьлонинингиз буйича шуни маьлум киладики.Чиноз тумани МТБ булимии тасарруфидаги 13 – сонли ДМТТнинг иссиклик тиз'имини таъмирлаш ишларини бажариш иш _ , хажмининг умумий суммасидан 30% туловини олдиндан утказилгандан сунг 3 кун мобайнида экспертиза хулосаси билан тасдикланган лойиха смета хужжатлари асосида сифатли ва талаб даражасида бажариб берилишини кафолатлайди.

Экспертиза хулосаси билан тасдикланган смета хужжатлари асосида курсатилган ишларни 115 000 000 (Бир юз ўн беш миллион ) сум маблағ евазига бажариб беради.

**«TRIO UNIVERSAL»**
**МЧЖ рахбари:** **М.Ашрапхонов**